

Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 1

Тошкент шаҳри

20.09.2022 йил.

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” (IT PARK) масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор **Ибрагимов Фархад Заирович** (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) ва **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси** томонидан Назоз асосида фаолият юритадиган Раис ўринбосари **Ибрагимов Отабек Исмоилович**, кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб аталувчи, бошқа томондан, биргаликда кейинги ўринларда “Томонлар” деб номланувчилар ўртасида ушбу шартнома куйидагилар ҳақида тузилди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Ижрочи Буюртмачининг ИТ-мутахассислари (бундан кейинги ўринларда – тингловчилар) рақамли технологияларга ўқитиш учун таълим хизматларини тақдим этишни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Таълим хизматларининг йўналиши ушбу шартноманинг 4-бобида кўрсатилган.
- 1.3. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил «20» сентябр дан 2022 йил «31» декабр га қадар.
- 1.4. Таълим шакли: Офлайн ва онлайн.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Ижрочининг мажбуриятлари:

- 2.1.1. Тингловчилар учун тренинглар ташкил этиш;
- 2.1.2. Таълим беришда юқори сифатни таъминлаш ва тингловчилар имтиҳонларини топширганидан сўнг уларга белгиланган намунадаги сертификат бериш;
- 2.1.3. Таълим бериш тизимининг тўғри ишлашини таъминлаш.
- 2.1.4. Тингловчилар танлаган ўқув дастурини ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

2.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

- 2.2.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, ушбу Шартномага, ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ таълим жараёнини мустақил равишда амалга ошириш ҳамда ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;
- 2.2.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқларга амал қилиш;

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 2.3.1. Мазкур Шартноманинг 1.1 – бандида кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш;
- 2.3.2. Тингловчиларнинг ҳужжатларни ўз вақтида топширтириш;
- 2.3.3. Тингловчи дарсга қатнаша олмайдиган ҳолларда Ижрочини огоҳлантириш;
- 2.3.4. Тингловчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашишини таъминлаш;
- 2.3.5. Хизматларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни ва бошқа керакли ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек, мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек, дастур доирасида ўқув курслари соатлари бўйича маълумотлар бериш;
- 2.3.6. Хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани Ижрочидан олган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида уни имзолаш ёки хизмат кўрсатишда аниқланган камчиликларни кўрсатиб, Ижрочига уни имзолашдан бош тортиши ҳақида хабар бериш;



2.3.7. Ижрочининг хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш. Қолдиқ тўлов бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилгандан кейин 3 (уч) иш куни давомида ўтказиб берилиши керак.

2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.4.1. Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда, хизмат кўрсатиш ва сифатини текшириш.

2.4.2. Таълим жараёнига боғлиқ масалалар бўйича Ижрочига мурожаат қилиш.

2.4.3. Тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

3. ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Тингловчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Мазкур шартноманинг 1.1 – бандида кўрсатилган ўқув машғулотларига қатнашиш;

3.1.2. Ижрочи ходимлари томонидан берилган топшириқларни бажариш;

3.1.3. Ижрочининг мол-мулкини авайлаб асраш;

3.1.4. Ўқиш сўнгида имтихон топшириш;

3.2 Тингловчининг ҳуқуқлари:

3.2.1. Ижрочидан хизматларни амалга ошириш ва таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни олиш;

3.2.2. Ўқиш даврида ва ундан кейин ўқув дастури ва таълим жараёнини ташкил этиш масалалари бўйича Ижрочига мурожаат қилиш;

3.2.3. Ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда қўшимча ўқув дастурини ўзлаштириш учун Ижрочининг мол-мулкидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;


3.2.4. Ўз билими, қобилияти, маҳорати ва компетенцияси ҳақида, шунингдек, баҳолаш мезонлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш.

4. ХИЗМАТ НАРХИ ВА ШАРТНОМА БАҲОСИ

4.1. Буюртмачининг ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг билимларини текшириш нархи, ҚҚС ҳисобга олмаган ҳолда, **95 000 000 (тўқсон беш миллион) сўм**ни ташкил этади ва куйидаги жадвал бўйича ҳисобланади:

Таълим хизмати тури	Тингловчилар сони	Умумий суммаси
Corel Draw, Photoshop дастурлари	3	2 400 000 сўм
Backend (Java spring framework)	3	13 200 000 сўм
Frontend (Javascript, jQuery, React)	3	13 150 000 сўм
Android development (Kotlin)	3	13 200 000 сўм
IBM DB2	2	8 200 000 сўм
SQL	2	8 200 000 сўм
PostgreSQL	2	8 200 000 сўм
Cyber Ops Associate / CCNA Cyber Ops (халқаро сертификат)	1	12 750 000 сўм
DevOps Engineer	2	15 700 000 сўм

01 YURIDIK BOSHQARMA № 550

imzo  2022 y 16 oʻs



Рақамли технологиялар ва дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланиш	500	-
Жами:	521	95 000 000 сўм

4.2. Мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган миқдордаги сумманинг 30 фоизи шартнома Томонлар тарафидан имзоланиб, Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейин 10 (ўн) иш куни ичида Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб варағига ўтказилади. Қолган 70 фоиз маблағ ўқиш якуни билан, Томонлар бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиригандан сўнг 10 (ўн) иш кунида Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб варағига ўтказилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича Томонлар мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар. Шу билан биргаликда, белгиланган жавобгарлик чоралари нуқтаи назаридан “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг нормалари Томонларга нисбатан қўлланилади.

5.2. Тингловчилар Ижрочининг мол-мулкани нобуд қилган ёки унга шикаст етказган тақдирда, Буюртмачи Ижрочидан зарарни тасдиқловчи ҳужжатларни олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади. Тўлов алоҳида ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

5.3. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Шартнома имзолангандан кейин Ижрочи томонидан Буюртмачига хизмат кўрсатилмаган тарзда, Ижрочи буюртмачига хизмат кўрсатиш бошланиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Мазкур шартномани бажариш асосида келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, иш кўриб чиқиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига топширилади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Бирор-бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги сув тошқини, ёнғин, zilзила, ҳарбий ҳаракатлар, давлат органлари томонидан тақиқловчи мазмундаги ҳужжатларни нашр этиш ва х.к. каби бартараф этиб бўлмас кучларнинг оқибатида юз берса, томонларнинг ҳеч бири ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолатларнинг бирортаси мазкур Шартномада белгиланган муддат ичида мажбуриятнинг бажарилишига бевосита таъсир қилса, у ҳолда ушбу муддат мутаносиб равишда форс-мажор ҳолати муддатига узайтирилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома Томонлар тарафидан имзоланиб, Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8. МАХФИЙЛИК

8.1. Мазкур шартноманинг барча шартлари, шунингдек, уни амалга ошириш пайтидаги Томонларнинг музокаралари мазмуни ошкор этилмаслиги шарт, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.



8.2. Томонлар ўзларининг манзиллари ва тўлов тафсилотлари ўзгарганда ёки шартноманинг амалга ошишига таъсир кўрсатадиган муҳим ҳолатлар мавжуд бўлганда ёки юзага келган тақдирда, бир-бирларини масъул шахс томонидан имзоланган хат орқали ёзма равишда хабардор қилишни ўз зиммаларига оладилар.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу шартнома иккита асл нусхада тузилади ва улардан бири Буюртмачида, иккинчиси Ижрочида сақланади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.2. Шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат икки томонлама ёзма равишда келишувга эришилган тақдирда кучга эга.

9.3. Томонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

9.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ҳаракатларни, шу жумладан пора олиш, ваъда бериш, товламачилик, пора бермаслик, уларга бевосита ёки билвосита розилик билдиришлари мумкин эмас, пора ёки порахўрлик, яъни божхона органи ходимининг ўз хизмат вазифаларидан фойдаланиб, пора берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёки ҳар бир имконият учун мулкӣ имтиёзлар, томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.

9.5. Агар шартнома тарафларидан бирида божхона органи ходимининг ушбу шартномага ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари, жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир етишга мажбурлаш содир етилган бўлса, бу ҳақда “1108” ишонч телефонига хабар қилинади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»:

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси

Манзил: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани,
И.Каримов кўчаси 3 уй

Банк: АТ «Алоқабанк» бош офиси

Х/Р: 2020 3000 4004 4793 9001

МФО: 00401

СТИР: 200794867

ОКЭД: 84119



Раис ўринбосари Норатилла Ф.Ибрагимов

«ИЖРОЧИ»:

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот
технологиялари технологик парки
дирекцияси” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани,
Тепамасжид кўчаси, 4А

Банк: «Алоқа банк» бош офиси

Х/Р: 2020 8000 4009 6604 8017

МФО: 00401

СТИР: 305 975 326

ОКЭД: 85590



Директор Ф.Ибрагимов

01	YURIDIK BOSHQARMA	№ 550
imzo	<u>[Signature]</u>	202 2 y 16 08



[Signature]